

МУРОСАЮ МАДОРА МУҲИБИ

Ўзбек тилшуноси, профессор Ёрмат Тожиев ҳам ўзининг бўй-басти, юриш-туриши, гапириш тарзи ва яна кўп жиҳатларига кўра бошқалардан ажралиб туради. У киши нимаси биландир инсон диққатини ўзига жалб қилади. Ўткир кўзлари гоҳида кулиб, гоҳида беаёв тикилиб қарайдиган бу профессорнинг одамларга меҳрибонлиги, бошқаларга ҳамиша ён босиб, майин-мулойим муомала қилиши, ростини айтганда, одамларни синчиклаб кузатадиган кишиларни ҳам кўпинча ҳайратда қолдиради. Чунки у ҳақлиги аён бўлиб турса-да, эътироз билдирувчилар билан талашиб-тортишмайди, хафа бўлгани, ранжигани, дили оғриганини унчалик сездирмайди, доим муроса-мадора йўлини тутиб, баҳслашишдан ўзини четга тортади. Вақт эса ҳар бир кишини Ёрмат аканинг бундай ақидаси ҳикматга тўлалиги, можаро гулханига ўтин қалагандан кўра бошқаларга ён босиш хўп яхши амал – чин инсоний фазилат эканига бора-бора ишонтиради.

Аввало, таъкидлаш керакки, Ёрмат ака зиммасига олган ҳар қандай ишни иштиёқ ва самимият билан бажарадиган

камёб кишилар сирасига киради. У масъулиятни ҳис қиладиган, иродали кишиларга хос ана шу фазилати туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонди, улкан тилишунос Аюб Ғулом, машҳур адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг ишончига эришди, ҳамкасабаларининг кадрдон кишисига айланди, талабаларнинг севимли устози бўлиб келди. Ёрмат аканинг аксарият домлалардан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, у ўзидаги жисмоний меҳнат қилиш, ишчанлик иштиёқини бошқаларга юктира олади. Бундай фазилат эса, албатта, ҳамма жойда, ҳар қандай муассасада кадрланади. Кўпчиликнинг таржимаи ҳолидан мустаҳкам ўрин олган, мактаб ўқувчиларидан тортиб профессор-ўқитувчилар, дўхтирларни, умуман, Ўзбекистондаги каттаю кичикни бирдай қийнаган мажбурий меҳнат – пахта териш мавсумида, ҳашар, шанбаликларда, вилоятларга фольклор ва диалектология амалиётига чиқилганида университет маъмурияти Ёрмат акага суянади. Бундай ишларда у қатнашса, факультет жамоасининг кўнгли тўқ бўларди. Чунки Ёрмат ака айни хилдаги юмуш, ҳўжалик ишларини маромига етказиб адо этади, барча билан тезда тил топишиб, борган жойидаги одамларни ҳам, университет жамоасини ҳам мамнун қиладди. У ҳамма интиладиган бундай ижобий натижаларга осонлик билан эришиши эса кўпчиликнинг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг XX аср 60-йиллардан кейинги тарихига назар ташланса, муроса-мадора муҳибби Ёрмат Тожиев ҳам устозлари Ғулом Каримов, Аюб Ғуломов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов сингари факультетнинг мамлакат миқёсида, хорижда шон-шўҳрат қозонишига ўзига яраша улуш қўшгани аён бўлади. Шу даврда айни факультетда таҳсил олган талабалар, университетда фаолият олиб борган профессор-ўқитувчилар Ёрмат Тожиевнинг инсоний фазилатлари, педагог сифатидаги фидойилиги тўғрисида ижобий фикр билдириши бунинг исботи бўла олади. У юқо-

рида номлари қайд қилинган устозлари ҳамда Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Иристой Қўчқортосев, Бегали Қосимов, Карим Назаровдек олим ва педагог сифатида ушбу факультет титулини белгиламаган бўлса-да, қўлидан келганча талабаларга ғамхўрлик кўрсатиши, жамоадошларига кўмаклашишга интилиши билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Бу эса муроса-мадора муҳиб бўлиб яшаган Ёрмат Тожиёв ўзбек филологияси факультети ярим асрлик тарихида муносиб ўрин тутишга ҳақли эканлигини исботлайди. Унинг айни ўрни, аввало, устозларига садоқат билан хизмат қилиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлгани билан белгиланади.

Ёрмат аканинг болалиги, ёшлиги жисмоний меҳнат билан кечган, зуваласи турмушнинг туганмас ташвишлари ичида товланиб чиникқан. У йигитлик чоғларида Мирзачўлда чўлқуварлар каторида шофёр бўлиб меҳнат қилган, уч йил армияда хизматни ўтаб, турмушнинг анча-мунча аччиқ-чучугини тотган. Шу боис у бир қарашдаёқ одамларнинг ҳоли-аҳволини билиб олади, унинг шарт-шароитидан келиб чиқиб, унга, албатта, ён босиб, муомала қилади. Ёрмат ака ўқитувчи-педагог сифатида фаолият бошлаганидан буён ана шу фазилатига ғард юқтирмасдан келади. Чунки у ҳаётда ҳамisha асқотадиган, турмушдаги эзгулик ва ёвузлик курашида муаммони муътадил тарзда ҳал қиладиган муроса-мадорани одамгарчиликнинг асоси деб билади. Турмушнинг бағридан ўсиб чиққан, узоқ замонлардан бери ҳаётнинг бардавомлигини таъминлаб келаётган одамгарчилик эса ҳар бир кишининг қалбига қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатни кучайтиради.

Ёрмат аканинг талабаларга меҳрибонлиги, ҳамкасабалари билан қадрдонлиги, жамоадошлари билан ҳамжиҳатлиги, устозларга садоқати, одамларга қўлидан келганча кўмаклашишга интилиши, албатта, унинг табиатидаги муроса-мадорага мойиллик ҳиссидан озиқланади. Айни чоғда ундаги ушбу фазилат унинг Озод Шарафиддинов, Аюб Ғуломов сингари устозларидан кўрган меҳр-мурувватнинг акс садоси

эканлигини ҳам алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Чунки, у бу устозларини бир нафас ҳам ёдидан чиқармайди. Яхшилик қилган, меҳр кўрсатган кишиларни эслаш, улар билан кечган дамларни хотирлаб, ҳаёлдан ўтказиш эса ҳар бир одамга дунёнинг ўткинчилигини англатиб, қалбидаги эзгу ҳисларни кучайтиради.

Ёрмат ака Озод Шарафиддинов тимсолида замонамизнинг олижаноб кишилари намунасини кўради. У ҳам устози сингари Абдулла Қаҳҳор асарларига алоҳида меҳр билан қарайди. Дарс машғулотларида мулоҳазаларини, албатта, шу адиб асарларидан иқтибос келтириб асослайди. Фарғона водийси гўзаллиги, боғ-роғларида анвойи мевалар кўплиги тўғрисида гапира бошлаганида, албатта, Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўк конверт» ҳикоясидаги: **«Ҳар шафтолики, палақмонга солиб отсанг, пахса деворни ағдаради. Қани, энди шундан тўрттасини узатиб юборса! Секин пўстини арчсанг, оғзингга солиб, тилинг билан танглайингга боссангу, сувиин култ-култ қилиб ютсанг»**, деган ўринни ёддан ўқиб, ҳамманинг иштаҳасини кўзгайди (Ўша манба. 276-бет). Кейин майин жилмайиб, муайян фурсат сукут сақлаб туради-да, компьютер асри ёшлари «палақмон», «пахса девор» нималигини билмаслигини эътиборга олиб, улар қандай бўлишини завқланганча тушунтира кетади. Умуман, у бошқаларга қандайдир янгиликни етказишдан қувонади. Ёрмат ака балки табиатидаги ана шу хусусият боис ҳам устозлари, ҳамкасаблари ва талабаларнинг меҳрини қозонгандир. Ёрмат аканинг турмуш ташвишлари, ҳаёт синовларига дуч келган чоғидаги ҳолати, кўтаринки кайфиятида, эртанги кунга умид билан қараб тузган режаларида яхши одамларга хос эзгу фазилатлар уйғунлиги намоён бўлади.

Ёрмат Тожиев тилшунослик масалалари тўғрисида кўп гапирмайди, ўзини кўз-кўз этишни ёктирадиганлар бу хусусда бўғилиб, чираниб гапиришга киришса, бир оз тинглаган бўлади-ю, сездирмасдан дарҳол даврани тарк этади. Бун-

дай беозорликлари тугрисида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Чунки у ўзини ҳар жойга уравермасдан, бориға каноат қилиб, содда, камтарона ҳаёт кечирази, елиб-югуриб меҳнат қилиб, бир неча жойда дарс беради. Камтар, камсуқумлиги бонс устозлари, хусусан, Аюб Ғуломовнинг қарашларини хи-моя қилиб, майдонға чиқишни ўзига эп кўрмайди. Чунки у мунозара гулханининг гуриллатишдан кўра бир гапдан қолишни афзал билади. Аммо бу унинг тилшуносликда-ги баҳс-мунозараларға бефарқлигини англатмайди.

Ёрмат Тожиевнинг тадқиқотларида сўзларға қўшиладиган қўшимчалар – аффиксация билан боғлиқ масалалар марказий ўрин тутати. «Ҳамма нарса вақт ўтиши билан эскирази. Хизматини ўтаб бўлган нарсалар кадрсизлангани туфай-ли таплаб юборилади. Жумладан, сўзлар ҳам бошқа нар-саларға ўхшаб, умр кўрази – пайдо бўлади, фаол қўлла-нади ва пайти келгач, сездирмасдан туриб, истеъмолдан чиқиб кетади. Ушанда улар «архаик сўз»ға айланади. Сўз-ларға қўшиладиган қўшимчалар ҳам шундай қисматни бошидан кечирази» дейди у. Тилшуноснинг бу хусусдаги мулоҳазалари ҳам кишини дунёнинг ўткинчилиги, шу боис мунозара, можаро қилиб, жикқамушт бўлишдан кўра, му-роса-мадора йўлидан юриш афзаллигини англатади. Ёрмат Тожиев устози Аюб Ғуломов қарашларидаги аниқликни қўл-лаб-қувватлайди. Бу улуг тилшуноснинг тадқиқотлари ўзбек тилшунослигини ўстиришда муҳим роль ўйнаганини доим таъкидлайди. Аюб Ғуломов ёзган дарслик, мақолалар эса ўзида фалсафий мушоҳдаларни ҳам, педагогик ёндашувлар-ни ҳам, муаллифнинг ўзига хос ифода услубини ҳам мужас-сам этганини мутахассислар доим эътироф қилишади. Ёрмат аёка Озод Шарафиддиновнинг одам сифатидаги оламида, ил-мий-педагогик фаолиятида ўз идеалидаги инсон сиймосини кўришини ҳамиша таъкидлайди. Устозларига бундай эҳти-ром, ҳурмат, табийки, раққонлик тилшуноснинг бу ҳаётда мадора-муроса йўлини маъқул деб топишиға кўп жихатдан

уз таъсирини ўтказган. Муроса-мадорани маъқул кўрган Ёрмат Тожиевга ўхшаган кишилар эса ўзининг турмуш тарзи билан ҳар бир киши хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, гапириш оҳанги, одамлар билан муомала-муносабатини нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини эътиборга олган ҳолда, назорат қилиши зарур, деган қарашни ёқлашади. Негаки, муроса-мадорани хуш кўрадиганлар ўз манфаатидан кечиб, ўзгаларга ён босгани боис оила аъзолари, қавм-қариндошлари, жамоадошлари билан аҳил яшайди. Улар бор жойда ўзаро меҳр-оқибат ҳукм суради. Меҳр-оқибат барқарор муҳитда оила мустаҳкам бўлади. Оила, жамоа эса инсон учун кичик Ватандир. Ана шу кичик Ватан мустаҳкам занжир бўлиб, ҳар бир кишини катта Ваган билан боғлаб туради. Оиласида, жамоасида ҳурмат-эътибор қозонган одам, албатта, Ватанининг яхши фуқаросидир.

Мен таниган, билган одамлар орасида Озод ака ва Аюб ака тинимсиз мутолаа қилар эди. Озод ака сафарда, пахта дала-сида бўлганида ҳам эрталаб уйғониши билан китоб ёки газе-та-журнал варақлашга тушарди... Сўзларнинг бағрида улар-нинг ўзаги ва қўшимчаларида, албатта, ҳаётнинг қандайдир ҳодисасига ишора ёки ундан хабар берувчи далил яшириниб туради. Аюб ака, Озод ака сингари кўп мутолаа қиладиганлар буни билиб олганида жуда роҳатланади. Улар шунинг учун доим ўқийди» деб қўяди. Мутолаа қилишдан мароқланади-ган одамлар, одатда, кўп гапирмайди, баҳслашиб тортиш-майди. Чунки улар кўриб-кечирганларини, гувоҳи бўлаётган ҳодисаларини ҳаёлан мушоҳада қилади, мунозара қилиб тортишаётганларнинг афт-башараси ўзгариб, бўзариб аянчли тус олаётганини кўриб, муроса-мадора ҳаётда энг мақбул йўл эканига ишончи ортади, шахсий манфаатини ҳамма нар-садан устун қўядиганлар кундалик турмушга миҳланиб, умр-гузаронлик қилиши, уларнинг кўнгли қирланиб кетаётганини сезгандай бўлади. Ёрмат Тожиевдан бирор нарса тўғрисида «шундай бўлиши мумкинми?» деб сўрасангиз, у ўзига яра-

шадиган бўгик овозда «бўлиши мумкин» деб кўяди, ҳеч кимнинг фикрини кескин инкор этмайди. Агар эътибор қилинса, «бўлиши мумкин» ибораси ҳукм эмас, муроса-мадорага кенг йўл очади, томонларни келишувга ундайди. «Бўлиши мумкин» дейилганида одамда беихтиёр умид пайдо бўлади, сўнган истак-интилишларига жон киради, унда ҳаракат қилиш иштиёқи тугилади ва ўзида олга юриш учун куч тўпланаётганини пайқаб, хурсанд бўлади. «Бўлиши мумкин» гудакни ҳам, ўсмирни ҳам, кексаларни ҳам парвозга чорлайди.

Тилшуноснинг ҳамкасабалари ҳақидаги ҳикояларидан, устозлари тўғрисидаги хотираларидан кимгадир кўрсатилган меҳр-мурувват ёки қилинган зулм-зўравонлик унутилиб кетмайди. Аксинча, улар хотирамизда сақланиб, вужудимизнинг ҳужайраларига сингиб, кутилмаган тарзда ҳаётимизда рўёбга чиқади. Улар, албатта, феъл-атворимиз, дунёқарашимиз ва одамлар билан муомала-муносабатимизда намоён бўлади, деган маъно англашилади. Муроса-мадора муҳибларининг ҳаёт тарзидан эса одам бошқалар билан муомала-муносабат чоғида муайян муаммолар юзасидан мулоҳаза билдириши мақбул, лекин қатъий ҳукм чиқариш кўпинча тушунмовчилик, чалқашликларга сабаб бўлади, деган хулосага келинади.

Ёрмат Тожиёв табиатидаги муроса-мудорага мойиллик ҳисси унда сўз туйғуси кучлилиги билан ҳам боғланади. Айни туйғу эса у узок йиллар мобайнида сўз таркибини ўргангани, ундаги қўшимчаларнинг маъно ясаш хусусиятларини текшириб, таҳлил қилганига алоқадордир... Замонавий ўзбек тилшуносининг феъл-атвори, ҳаёт тарзи, одамлар билан муомала-муносабати тўғрисидаги ушбу қайдлардан мақсад у билан яқиндан таништириш эмас. Бундай даъводан доим йироқда юрамиз. Ниятимиз кишиларимизнинг туйғу-ҳиссиётига таъсир этиб, уларнинг фикрини фаоллаштиришдир. Ажаб эмаски, мақоладаги мулоҳазаларимиз кимларнингдир кўнглида: «Хўш, профессор Ёрмат Тожиёв муроса-мадора муҳиби – севувчиси экан, мен қандай одам?» деган савол тўғдирса... Хул-

лас, бу ҳаётда яшаш – одамлар билан муомала-муносабатга киришиш ҳам ўзига хос ижодкорлик, санъатдир.

Абдулла УЛУҒОВ,
адабиётшунос олим, профессор